

**Иқлим ўзгариши масалалари бўйича мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган
Ўзбекистон миллий шароитларига мослаштирилган “Иқлимий қутича” ўқув
қўлланмасини тақдим этиш бўйича семинар**

Тошкент, “Пойтахт” бизнес-маркази, 2019 йил 20-21 июнь

2019 йил 20-21 июнь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзгидрометнинг “Ўзбекистоннинг қурғоқчил туманларида жойлашган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида иқлим ўзгариши масалалари бўйича мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган Ўзбекистон миллий шароитларига мослаштирилган “Иқлимий қутича” ўқув қўлланмасини тақдим этиш бўйича семинар ўтказмоқда.

Иқлим ўзгариши муаммоси жаҳон ҳамжамияти томонидан энг муҳим глобал муаммолардан бири сифатида эътироф этилади. Иқлим ўзгариши оқибатлари дунёнинг барча минтақалари ва мамлакатларида сезилмоқда. Бунда ҳар бир инсон сайёрамизда рўй бераётган ўзгаришлар учун у ёки бу даражада масъулдир.

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, углерод изини камайтириш учун инсонлар ёшлигидан тегишли билимларга эга бўлиши керак. Ушбу мақсадда БМТТД ва унинг шериклари ўқувчилар учун “иқлим ўзгариши” мавзусида “Иқлимий қутича” номи остида ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиш учун ўқув-ўйин материаллари тўпламини ишлаб чиқдилар.

2014 йилда старт олган “Иқлимий қутича” лойиҳаси ҳозирда Шарқий Европа, Кавказ, Марказий Осиё минтақаларидаги 8 та мамлакатни қамраб олиб, том маънода ҳақиқий халқаро лойиҳага айланди. Ўзбекистонда ушбу лойиҳа БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенциясининг Мослашиш жамғармаси томонидан молиялаштириляётган БМТТД ва Ўзгидрометнинг “Ўзбекистоннинг қурғоқчил туманларида жойлашган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида бошланди.

Икки кунлик якуний семинарда Россиялик мутахассислар, Ўзгидромет ва Ўзбекистон Миллий университети вакиллари, педагоглар, услубчилар ва Ўзбекистон Республикаси таълим тизими вакиллари иштирок этди. Семинар иштирокчилари тўртта асосий сессия давомида “Иқлимий қутича” мазмуни ва тузилиши, қўлланма билан ишлаш хусусиятлари билан танишдилар, мустақил ишлаш учун топшириқлар орқали болалар билан мулоқот ўрнатиш услубларини ўргандилар. Бунда материални осон, ўйин шаклида ўзлаштиришга ҳамда олинган маълумотлар ва билимларни кундалик ҳаётда қўллашга имкон берадиган ўйинлар, кроссвордлар, викторина ва квестлар намоиш қилинди.

Семинар доирасида иштирокчилар шунингдек “Иқлимий қутича”ни Ўзбекистон таълим тизимига жорий этиш тажрибаси, иқлим ўзгариши ва глобал илиш оқибатлари тўғрисида умумий маълумотлар билан танишдилар, таълим жараёнида “Иқлимий қутича”дан фойдаланиш бўйича педагоглар учун услубий тавсиялар берилди.

Якуний семинар мактаб таълими амалиётига ўқув қўлланмасини имкон қадар кенг жорий этиш мақсадида иштирокчиларни ушбу қўлланма билан фаол ишлашга чақиритишга йўналтирилди.

**Семинар по представлению адаптированного к национальным условиям
Узбекистана учебного пособия для школьников по вопросам изменения климата
«Климатическая шкатулка»**

Ташкент, Бизнес-центр Пойтахт, 20-21 июня 2019 года

20-21 июня 2019 г в Ташкенте Центр гидрометеорологической службы Республики Узбекистан (Узгидромет) в рамках реализации совместного проекта ПРООН и Узгидромета «Обеспечение климатической устойчивости фермерских и дехканских хозяйств, расположенных в засушливых районах Узбекистана» проводит заключительный семинар по представлению адаптированного к национальным условиям Узбекистана учебного пособия для школьников по вопросам изменения климата «Климатическая шкатулка».

Проблема изменения климата признана мировым сообществом одной из наиболее важных глобальных проблем. Последствия изменения климата ощущаются во всех странах и регионах мира, при этом каждый человек, в той или иной степени, несет ответственность за происходящие на планете перемены.

Чтобы смягчить последствия изменения климата и снизить свой углеродный след, людям с самого юного возраста нужно обладать соответствующими знаниями. С этой целью Программа развития Организации Объединенных Наций (ПРООН) и её партнеры разработали комплект учебно-игровых материалов для школьников по теме «изменение климата» под названием «Климатическая шкатулка» для использования в качестве учебного пособия.

Проект «Климатическая шкатулка», стартовавший в 2014 году, сейчас уже охватывает 8 стран региона Восточной Европы, Кавказа и Центральной Азии, став по-настоящему международным проектом. В Узбекистане проект стартовал в мае 2018 года в рамках совместного проекта ПРООН и Центра гидрометеорологической службы Республики Узбекистан (Узгидромет) «Обеспечение климатической устойчивости фермерских и дехканских хозяйств, расположенных в засушливых районах Узбекистана», финансируемого Адаптационным фондом Рамочной конвенции об изменении климата ООН.

Двухдневный заключительный семинар, в котором принимают участие российские специалисты, специалисты Узгидромета и Национального университета им. М.Улугбека, педагоги, методисты и представители системы образования Республики Узбекистан включает в себя представление национальной версии учебного пособия. Четыре основных сессии семинара позволят участникам ознакомиться с содержимым «Климатической шкатулки», раскрыть особенности работы с пособием, изучить методы построения диалога с детьми через задания для самостоятельного выполнения. При этом будут продемонстрированы познавательные игры, кроссворды, викторины и квесты, которые

позволяют легче, в игровой форме, усваивать материал и применять полученные знания в повседневной жизни.

В рамках семинара участники также знакомятся с опытом внедрения «Климатической шкатулки» в систему образования Узбекистана, общими сведениями об изменении климата, последствиями глобального потепления, а также получают методические рекомендации для педагогов по использованию «Климатической шкатулки» в образовательном процессе.

Заключительный семинар направлен мотивировать участников на активную работу с данным учебным пособием с целью максимально широкого внедрения учебного пособия в практику школьного обучения.